

Янги Ўзбекистон йўллари

Инсон тонгда кўз очиб,
бисмиллаҳ, деб йўл босар,
Яратганга ёлвориб, хуш дуога қўл очар,
Яхши ният одамзод қадамига нур сочар,
Ҳалол ризқ яратганда билсанг толмагай қўллар,
Муродимиз меваси – бу йўллардир, бу йўллар!

Бу равон йўлда юриб, ўтмишинга боқиб кўр,
Ўқи уммон тарихинг оҳларида оқиб кўр,
Тийрак назар, тафаккур чироғини ёқиб кўр,
Қўларингга кўрингай, қинқириб ётган чўллар,
Не-не кунлар гувоҳи, бу йўллардир, бу йўллар!

Ғафур Ғулом дард тўққан «Турксиб йўлларида»,
Ёлмай қолган рост сўз бўзлаган дилларида,
Қалам ҳам қон қақшаган титраган қўлларида,
Чўлпон, Фитрат, Қодирий, элим деган не эрлар,
Охиратга олдинроқ олиб кетган бу йўллар!

Бу йўллардан ўтмади, не-не азоб қарвони,
Тупроқ билан тенг бўлди, гоҳи миллатнинг шони,
Шукурким, келди юртга Хурриятнинг замони,
Ўз эркидан энтикди, орзиқиб кутган диллар,
Элнинг қувонч ешини сипқорган ҳам шу йўллар!

Мақсад улуг, йўл равон – олиб чиқар дунёга,
Тенглар ичра тенг миллат ғолиб чиқар дунёга,
Ахир ким ташна эмас, муҳаббатга, зиёга,
Қалблар қалбга вобаста, изҳорда бурро тиллар,
Яйраб юрсанг яшнагай, янги-янги бу йўллар!

Нарвон бошига ҳеч ким сакраб чиқолган эмас,
Мўшқулини одамзод додлаб ечолган эмас,
Алангаси ўзидан чиққан элни эл демас,
Ўз-ўзига чоқ қазир, нафсига абад қўллар,
Юрагимиз юзидан очайлик янги йўллар!

Инсонни эзгу ишга, аввало, онги йўллар,
Ким шукурда уйғонса, умрининг тонги йўллар,
Ҳар вилоят, ҳар туман бағрида янги йўллар,
Биз бир-бирни қўласак, Яратган бизни қўллар,
Тошкентга чирой бўлди, Юртбоши очган йўллар!

Бугунги Ўзбекистон ўз янги бўстонида,
Монолит кўприклар ҳам, бир янги имкони-да,
Аждодлар номи балқир миллатимиз шонида,
Шодон руҳлар кўклардан не ажаб дуо йўллар,
Янги Ўзбекистонга – ярашгай янги йўллар!

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

* Ғафур Ғуломнинг шу номдаги шеъри кўзда тутилган.

Диққат, танлов!

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар том маънода барча ҳудудлар, жумладан, олис ҳамда қўшни Қирғиз Республикаси ҳудудида анклав ҳудуд сифатида жойлашган Фарғона вилоятининг қатор маҳаллаларида ҳам бир хилда амалга оширилмоқда.

Мазкур ҳудудларнинг ўзига хослиги ҳамда масъулларнинг ноодатий шароитларда фаолият юритишини инобатга олиб,

ХОТИН-ҚИЗЛАР МУАММОЛАРИНИ ТИЗИМЛИ РАВИШДА ҲАЛ ЭТИШ, УЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН

Фарғона вилоятининг Сўх туманидаги 27 та маҳалла, Фарғона туманидаги «Шоҳимардон» ва «Ёрдон» маҳаллалари ҳамда Риштон туманидаги «Чунғара» маҳалласидаги масъуллар учун

ҚЎЙИДАГИ ТАНЛОВЛАРНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«ЭНГ ЯХШИ МАҲАЛЛА РАИСИ», «ЭНГ ЯХШИ СЕКТОР РАҲБАРИ», «ЭНГ ЯХШИ ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ», «ЭНГ ЯХШИ ЁШЛАР ЁТАКЧИСИ», «ЭНГ ЯХШИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИ» ТАНЛОВЛАРИ

Танловларнинг асосий мақсади:

«Аёллар дафтари» тизими бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ишларда фидокорона меҳнатлари билан барчага ўрناк бўлаётган, хотин-қизларнинг муаммо ва мурожаатлари ҳал этилиши, оилавий тadbиркорлигини йўлга қўйиши учун кредитлар олиши-

да қўмаклашиб, бандлигини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшаётган, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиб, улар орасида жиноятчиликни камайтириш ишларида фидокорона меҳнати билан барчага намуна кўрсатаётган масъул ходимларни муносиб рағбатлантириш.

ТАНЛОВЛАРДА 1-ЎРИННИ ЭГАЛЛАГАНЛАРГА ҚЎЙИДАГИ МАХСУС МУКОФОТЛАР
«ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ» ТАРИҚАСИДА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ:

«Энг яхши сектор раҳбари» танлови
ғолибига – диплом ва
«Жентра» автомобили;



«Энг яхши ҳоким ёрдамчиси» танлови
ғолибига – диплом ва
«Кобальт» автомобили;



«Энг яхши маҳалла раиси» танлови
ғолибига – диплом ва
«Нексия 3» автомобили;



«Энг яхши ёшлар ётакчиси» танлови
ғолибига – диплом ва
«Спарк» автомобили;

«Энг яхши хотин-қизлар фаоли» танлови
ғолибига – диплом ва
«Спарк» автомобили.



Шунингдек, танловларда («Энг яхши сектор раҳбари» танлови бундан мустасно)
2- ва 3-ўринни эгаллаганлар мос равишда
30 000 000 (ўттиз миллион) ва
20 000 000 (йигирма миллион) сўмдан
пул маблағлари билан рағбатлантирилади.

Танловлар шартлари:

– Танловда иштирок этишни истаган талабгорлар қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- танловда иштирок этиш учун Ташкилий қўмита номига ариза;
- ҳар бир иштирокчи тўғрисида маълумот (маълумотнома ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси);
- иштирокчининг 1 дона 10х15 ўлчамдаги ва 2 дона 3,5х4,5 ўлчамдаги фотосурати (шунингдек, электрон шаклда);
- иштирокчининг фаолияти бўйича таҳлилий ва статистик маълумотнома ҳамда фотоальбом ва видеоролик;
- иштирокчи учун тегишли сектор раҳбарининг тавсияномаси.

Танловларни ўтказиш муддатлари:

Танловларда иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар Ташкилий қўмитага жорий йилнинг 20 май санасигача тегишли ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Танловлар ғолибларини тақдирлаш маросими жорий йилнинг июнь ойида ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар учун
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг
Фарғона вилояти кенгашига
муурожаат қилишингиз мумкин.
Танловлар ҳақида батафсил маълумотларни

71-256-70-96

телефон рақами орқали ёки

t.me/kasabatanlovuz

телеграм каналидан олишингиз мумкин.

Кун нафаси

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
хузурида электротехника
соҳасида янги захираларни
сафарбар қилиш бўйича
йиғилиш бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенатида
Одам савдосига ва мажбурий
меҳнатга қарши курашиш
миллий комиссиясининг нав-
батдаги йиғилиши ўтказилди.

«Болалар гематология-
си, онкологияси ва клиник
иммунологияси марказида
даволанаётган болалар учун
мактабгача таълим ва тарбия
ҳамда умумий ўрта таълим
бериш тизимини жорий қи-
лиш чора-тадбирлари тўғри-
сида»ги ҳукумат қарори қабул
қилинди.

Ўзбекистон Республикаси
ташқи ишлар вазири вази-
фасини бажарувчи Владимир
Норов Қирғиз Республикаси
ташқи ишлар вазири Жээн-
бек Күлубаев билан телефон
орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон Республикаси
ва Таиланд Қироллиги ўртасида
дипломатик муносабат ўр-
натилганига 30 йил тўлди. Шу му-
носабат билан мамлакатимиз
ташқи ишлар вазири вази-
фасини бажарувчи Владимир Но-
ров Таиланд Бош вазири ўрин-
босари – ташқи ишлар вазири
Дон Прамудвингайга табрик
йўллади.

Жорий йилнинг 7-8 май
кунлари Бойсун туманидаги
Падак кенгликларидида «Бойсун
баҳори» халқаро фольклор
фестивали ўтказилади. Унда
ЮНЕСКО, Европа Иттифоқи
каби халқаро ташкилотлар, қатор
мамлакатларнинг Ўзбеки-
стондаги Фавкуллода ва мухтор
элчилари, дунёнинг ўттиздан
ортиқ давлатидан меҳмонлар,
санъаткорлар, соҳа мутахассис-
лари ҳамда фольклор санъати
мухлислари иштирок этади.

Ўзбекистонда «Болалар ва
ёшларга дўстона маҳаллий
бошқарув» ташаббусини амалга
ошириш мақсадида «Юксалиш»
умуммиллий ҳаракати, Ёшлар
ишлари агентлиги ва ЮНИСЕФ
юртимизнинг олти шаҳар ҳо-
кимликлари билан ҳамкорлик
меморандумини имзолади.

Хотира ва қадрлаш куни ол-
дидан Самарқанд давлат му-
зей-қўриқхонаси томонидан
«Фронддан мактублар» номли
альбом-каталог тайёрланди.

2022 йил 7 ва 8 май сана-
сидан бошлаб, ҳафтанинг шан-
ба ва яшанба кунлари «Тош-
кент – Шаҳрисабз – Тошкент»
йўналишида 758/757-сонли
юқори тезликда ҳаракатланув-
чи «Афросиёб» поездлари
қатнови йўлга қўйилади.

Диққат, танлов!

ХОТИН-ҚИЗЛАР МУАММОЛАРИНИ ТИЗИМЛИ РАВИШДА ҲАЛ ЭТИШ, УЛАРНИ ИЖТИМОЙ Қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссияси қўйидаги танловларни эълон қилади:

«ЭНГ ЯХШИ МАҲАЛЛА РАИСИ», «ЭНГ ЯХШИ СЕКТОР РАҲБАРИ», «ЭНГ НАМУНАЛИ ИШ БЕРУВЧИ АЁЛ», «ЭНГ ЯХШИ ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ», «ЭНГ ЯХШИ ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ», «ЭНГ ЯХШИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВЛАРИ

ТАНЛОВЛАРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ:

«Аёллар дафтари» тизими бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ишларда фидокорона меҳнатлари билан барчага ўрнатилган бўлаётган, аёлларнинг муаммо ва муножаатлари ҳал этилиши, оилавий тадбиркорлигини йўлга қўйиши учун кредитлар олишида қўмаклашиб, бандлигини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшаётган, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиб, улар орасида жиноятчиликни камайтириш ишларида фидокорона меҳнати билан барчага намуна кўрсатаётган масъул ходимларни муносиб рағбатлантириш.

ТАНЛОВЛАР ШАРТЛАРИ:

Танловда иштирок этишни истаган талабгорлар қўйидаги ҳуж-

жатларни тақдим этиши лозим:

- танловда иштирок этиш учун ҳудудий Ташкилий қўмита номига иштирокчи томонидан имзоланган ариза;
- ҳар бир иштирокчи тўғрисида маълумот (маълумотнома ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси);
- иштирокчининг 1 донa 10x15 ўлчамдаги ва 2 донa 3,5x4,5 ўлчамдаги фотосурати (шунингдек, электрон шаклда);
- иштирокчининг фаолияти бўйича тахлилий ва статистик маълумотнома ҳамда фотоальбом ва видеоролик;
- иштирокчи учун тегишли сектор раҳбарининг тавсифномаси.

ТАНЛОВЛАРНИ ЎТКАЗИШ МУДДАТЛАРИ:

«Энг яхши маҳалла раиси», «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси»,

«Энг яхши ёшлар етакчиси», «Энг яхши хотин-қизлар фаоли», «Энг намунали иш берувчи аёл» Республика танловларида иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар туман (шаҳар) Ташкилий қўмитасига жорий йилнинг 1 июль санасигача тегишли ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

МАЗКУР ТАНЛОВЛАР ҚЎЙИДАГИ БОСҚИЧЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ:

I bosқич – туман (шаҳар) bosқичи: 2022 йил июль-август ойларида;
II bosқич – ҳудудий bosқич: 2022 йил сентябрь ойида;
III bosқич – Республика-финал bosқичи: 2022 йил октябрь ойида.

Шунингдек, «Энг яхши сек-

тор раҳбари» Республика танловида иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ташкилий қўмиталарига жорий йилнинг 1 сентябрь санасигача тегишли ҳужжатларни тақдим этиши керак.

МАЗКУР ТАНЛОВ ҚЎЙИДАГИ БОСҚИЧЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ:

I bosқич – ҳудудий bosқич: 2022 йил сентябрь ойида;
II bosқич – Республика-финал bosқичи: 2022 йил октябрь ойида.

Барча танловларнинг Республика-финал bosқичи ғолиблари **2022 йил 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни**да эълон қилинади ва тақдирланади.

ҲАР БИР РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВЛАРИ БЎЙИЧА ҒОЛИБЛАРГА ҚЎЙИДАГИ МАХСУС МУКОФОТЛАР «ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ» ТАРИҚАСИДА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ:

1-ўрин соҳибига – диплом ва «Жентра» автомобили;



2-ўрин соҳибига – диплом ва «Кобальт» автомобили;



3-ўрин соҳибига – диплом ва «Спарк» автомобили.



Шунингдек, танловнинг Республика-финал bosқичининг қолган барча иштирокчилари

30 000 000
(ўттиз миллион) сўмдан

пул маблағлари билан рағбатлантирилади.



Қўшимча маълумотлар учун
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига мурожаат қилишингиз мумкин.

ТАНЛОВЛАР ҲАҚИДА БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ
71-256-70-96
телефон рақами орқали ёки
t.me/kasabatanlovuz
телеграм каналдан олишингиз мумкин.



Фарғона вилояти

Миннатдорлик

«Касаба уюшмаларига аъзо эканлигимиздан фахрланамиз»

Меҳнат муносабатларида шундай қоида бор – ходим меҳнатига яраша ҳақ олмаса, ишга қўл учида ёндашадиган бўлиб қолади. Қайсики раҳбар юзага келган вазиятни кўриб-кўрмасликка олса, фаолиятда ҳам олдинга силжиш бўлмайди.

Таассуфки, корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимни қўшимча рағбатлантириш у ёқда турсин, ҳатто, пешона тери билан топилган ҳақини бермайдиган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Бунинг исботини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат инспекциясига келаётган шикоят аризаларида ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, «Қувасойцемент» АЖнинг бир гуруҳ ходимлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига айтиш шуниси муносабатига кўра жамоа шартномасининг баъзи (2.1.2; 2.1.3; 2.1.6; 2.1.8; 2.1.10- ва 9.6) бандларини тўхтатиш бўйича киритган 1256-сонли хати корхона касаба уюшма қўмитаси томонидан рад этилганига қарамай, иш берувчи ўз билганча иш тутган. Ҳолбуки, Меҳнат кодексининг 53-модда талабларига кўра жамоа шартномасига тарафларнинг ўзаро розилиги билан ўзгартириш ва қўшимча киритиш мумкин дейилган.

Гап шундаки, «Қувасойцемент» АЖ раҳбарининг буйруғи билан 40 нафар ходимнинг иш жадвали Меҳнат кодексининг 95-моддаси ва корхона жамоа шартномасининг 6.9.4-бандига зид равишда бир томонлама ўзгартириб қўйилган. Оқибатда ишчиларга республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақидан ҳам кам маош тўланиб келинган.

Бундан ташқари, моддий ёрдам тўлаш тўғрисидаги низомнинг 2.1.10-банди (республикада ўрнатилган байрамлар муносабати) билан 1 минг 170 нафар ишчи-ходимга тўланиши лозим бўлган 315 миллион 900 минг сўм, 2.1.9-бандига асосан меҳнат таътилига чиққан 196 нафар хизматчига жами 264 миллион 600 минг сўм моддий ёрдам пуллари тўланмаган.

Ишчи-хизматчилар фақат корхона фойдасига ишлаётган бундай «инновацион янгилик»дан дўпписини осмонга отмаган, албатта. Аммо раҳбарият ходимларнинг муддаосини амалга ошириш у ёқда турсин, уларни бафуржа эшитмаган ҳам.

Шундан сўнг ҳақ-хуқуқи топталган ишчилар аввал шаҳар, кейин эса вилоят ҳокимлигига бош уриб борадилар. Лекин мутасаддилар шикоят аризасини «ўрнатилган тартибда» кўриб чиқишдан нарига ўтмайди.

Чорасиз қолган ходимлар охир-оқибат, касаба уюшмаларига мурожаат қилди.

– «Қувасойцемент» АЖ ходимларининг муаммоси ваколат доирасида тегишли қонун-қоидаларга биноан ўрганиб чиқилди ва қатор камчиликлар аниқланди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши меҳнат инспектори Авазхон Тўрахўжаев. – Биринчидан, корхонанинг 2021 йил 3 декабрдаги 232-сонли буйруғининг ўзи қонунга зид равишда қабул қилинган. Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 95-моддасида ходим фақат ишлаб чиқариш зарурати ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказилиши, шу давр мобайнида унга бажараётган ишга қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам

бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланиши белгилаб қўйилган.

Иккинчидан, «Қувасойцемент» АЖ 2021 йил 22 ноябрдаги корхона касаба уюшма қўмитасига – баъзи харажатларни вақтинча тўхтатиш зарурати, хусусан, жамоа шартномасининг баъзи (2.1.2; 2.1.3; 2.1.6; 2.1.8; 2.1.10- ва 9.6) бандларини тўхтатиш бўйича киритган 1256-сонли хати корхона касаба уюшма қўмитаси томонидан рад этилганига қарамай, иш берувчи ўз билганча иш тутган. Ҳолбуки, Меҳнат кодексининг 53-модда талабларига кўра жамоа шартномасига тарафларнинг ўзаро розилиги билан ўзгартириш ва қўшимча киритиш мумкин дейилган.

Аниқланган камчиликлар бўйича вилоят кенгаши ходимларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиб, тақдимнома киритган. Бироқ иш берувчи молиявий кўрсаткичлари аввалги йиллардагига нисбатан камайгани, кунлик цемент сотиш миқдори 400-700 тоннани ташкил қилаётгани, натижада хомашё омборлари тўлиб кетганлиги ва бошқа ваз-қорсонлар билан қонуний талабни бажаришдан бош тортади.

Шундан сўнг Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Суд 2022 йил 7 апрелда ходимлар – Г.Исомиддиновага 760 минг сўм, У.Аҳмаджоновага 1 миллион 230 минг сўм, Ш.Юсуповага 2 миллион 458 минг 176 сўм, Н.Абдувалиевага 1 миллион 350 минг сўм меҳнат ҳақи ундириш ҳамда жамиятнинг бошқа ишчи-ходимларининг иш ҳақи шаклидаги тўловларини ҳам ундириш тўғрисида хусусий ажрим чиқарди.

Яқинда «Қувасойцемент» АЖнинг бир гуруҳ хизматчилари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига миннатдорлик мактуби юборди. Унда қўйидаги сўзлар битилган:

«Хурматли Қудратилла Мирсоатович!

Бизга йил бошидан жамоа шартномасида белгиланган имтиёзлар қўлланилмай, ой-лик маошларимиз ўз вақтида берилмай келаётгани юзасидан кўп жойларга мурожаат қилдик. Афсуски, натижа биз кутгандек бўлмади. Сиз раҳбарлик қилаётган ташкилотнинг ёрдами билангина мушкулларимиз ариди.

Жамиятнинг иқтисодий-ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашда Федерациянинг алоҳида ўрни борлигига яна бир бор амин бўлдик. Биз аёни дамда касаба уюшмаларига аъзо эканлигимиздан фахрланамиз.

Сиз ва ушбу тизимда фаолият юритаётган барча ходимларга, хусусан, вилоят кенгаши мутасаддиларига чексиз миннатдорлик билдирамиз».

Ғулмжон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»

Келгуси сонларда ўқинг...



ЧИҚИТГА ЧИҚАЁТГАН ҲАЗИНА



ОСТОНАДАГИ ОРИЯТ



СИДҚИЙНИНГ СЎНГГИ САФАРИ

Дунёда шундай яхшилар борки, ўз иқтидорига мос соҳа тараққиёти учун бор билими, куч-ғайрати ва умрини бахшида этади. Шундай фидойи юртдошларимиздан бири шахмат жонкуяри Мамажон Мухитдинов эди. Унинг фаол саъй-ҳаракатлари туфайли ўзи ҳам, юртимиз ҳам шахматда катта муваффақиятларга эришди. Бироқ, ҳарчанд ҳаракат қилмасин, бир қанча орзулари ушалмади, армон бўлиб қолди.

Юртимиз шахмат ҳаётини Мамажон Мухитдиновсиз тасаввур қилиб бўлмайди. У 1947 йили Ўзбекистон шахмат федерацияси раёсатига сайланди ва федерация биринчи вице-президенти лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди, 55 йил давомида (!) юртимиз шахматини ривожлантиришда фаол иштирок этди. Шахмат бўйича тўрт марта Ўзбекистон чемпиони (1952, 1954, 1957, 1965), Ўрта Осиёдаги биринчи спорт устаси (1956), биринчи «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» (1965), биринчи халқаро гроссмейстер устози (1984) ва биринчи халқаро тоифадаги ҳакам (1986) бўлган. Собиқ иттифоқда шахмат тарихидан илк номзодлик диссертациясини ёклаган ҳам, юртимизда юзлаб оммавий мусобақаларни, Азмиддин Хўжаев, Георгий Аъзамов хотираларига бағишланган гроссмейстерлик турнирлари, аёллар ўртасида халқаро шахмат фестивалларини уюштирган ҳам, пойтахтимиздаги шахмат клуби биноси қурилишини тезлаштирган, кейинчалик бу бинонинг федерация тасарруфида қолишига эришган ҳам, республикамизнинг кўплаб газета-журналларида шахмат рукнини очган ҳам, телевидениеда «Шохрух» клубини ташкил этган ҳам, қадимий ўйинга оид беш мингдан зиёд мақола, 31 номдаги китоб ёзган ёки ўзбекчалаштирган ҳам, таълим тизимида шахматга ихтисослашган мактаб очилишига эришган ҳам, нуфузли анжуманларда юртимиз шахмати ва шахматчилари манфаатларини ҳимоя қилган ҳам Мамажон ака эди. Хуллас, унинг шахматимиз тараққиётига қўшган ҳиссасини санаб санониға етиш қийин.

Мамажон Мухитдинов 1972 йили Сурхондарёдаги Далварзинтепа манзилида олиб борилган археологик қазилмалар чоғида I-II-асрларга оид иккита шатранж донаси топилганини, 1975 йили Афросиёбда олиб борилган шундай тадқиқот ишларида VII-VIII-асрларга оид еттита шатранж донаси учраганини факр билан ёзганди. «Икки дарё оралигидаги мамлакат» номини олган юртимизда тўққизинчи асрда Абу Бақр ас-Сулий, Абу Наим ал-Ходимий, Зайраб Катай, Жобир каби кучли шатранжчилар бўлганини, улар кўплаб шогирдлар тайёрлаганини, мусобақалар уюштирганини, шатранж назариясини бойитганларини, шатранж ҳақидаги ҳикоятларда бош қаҳрамон сифатида талқин қилинадиган Абдулфараж Лайлож бизнинг юртдошларимиз ас-Сулийнинг қобилияти шогирдларидан бири эканини гурур билан эсга оларди.

Ун тўртинчи асрда Сохибқирон Амир Темур саройида ўтказилган қадимий ўйин мусобақаларига фэйз бағишлаган Али аш-Шатранжий ҳам

Мамажон аканинг АРМОНЛАРИ



юртимиз шатранж тарихида ёрқин из қолдирганини, мусобақаларда ғолиб қилиб, чиroyли ўйинлари билан замондош уста шатранжчи (олия)ларнинг ҳурматини қозонганини, олияларнинг 19 та мансубаси таҳлилига бағишланган китоб ҳам ёзганини, Амир Темур бобомизнинг ўзлари ҳам кучли шатранжчи бўлганини мамнуният билан таъкидларди.

манди. Ғалтаклардан, ёғочдан шахмат доналари ясаб, қоғозга оқ-қора катаклар чизиб, ўз малакасини ошириди ва ўқувчилар ўртасида ўтказилган вилоят мусобақасида ғолиб чиқди.

Мақтабни «аъло» баҳолар билан тугатган Мамажон Тошкент темир йўл муҳандислари институтига ўқишга кирди. У шахмат бўйича ўтказилган Тошкент шаҳар биринчилигида кетма-кет тўрт марта (1947–1950) ғалаба қозонди ва мутахассислар назарига тушди. 1949 йил институтни битириб, темир йўл станцияси диспетчери лавозимида меҳнат фаолиятини бошлади ва жамоатчилик асосида Тошкент шаҳар шахмат федерациясига раислик қилди. 1960 йилда илк бор тузилган шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг катта мураббийи лавозимига

тайинланди. Шу билан бирга, шахмат тарихига бағишланган илмий ишига жиддий киришди.

Мамажон Мухитдинов бу жараёнда Ўзбекистон шахмат ватанларидан бири, деган хулосага келди ва 1970 йили «Ўзбекистоннинг шахмат тарихи» мавзусида номзодлик диссертациясини ёклади. 1971 йилдан илмий текшириш институтида фаолиятини давом эттирди. 1981 йилдан эса бор куч-имкониётини республика шахматини ривожлантиришга бағишлади.

Археология алломаси эди

Шундай инсонлар борки, улар бутун борлигини илм-фанни ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллатсеварлик руҳида тарбиялашга бахшида этади. Тарих фанлари доктори, профессор Мавлон Жўрақулов том маънода археология соҳасининг алломаларидан бири эди.



Олим 60 йиллик илмий фаолияти давомида археологик қазилма ва тадқиқотларга таянган ҳолда Марказий Осиё халқлари тарихига доир янгидан-янги маълумотларни фанга маълум қилди. Унинг мамлакатимизнинг дунё тамаддунидаги ўрнига доир мақолалари, монографиялари ҳозирда ҳам кўплаб хорижий илмий марказларда ишончли манба сифатида кенг фойдаланилмоқда.

Мавлон Жўрақулов 1932 йил 9 майда Нурота туманидаги Бойжот қишлоғида туғилган. Отаси Жўрақул бобо оддий деҳқон, онаси Нозибби ая эса ўн фарзанднинг тарбияси ва рўзгор таъбишлари билан банд бўлган. Ёш Мавлон асосан бобоси Йўлдош ота тарбиясини олган. Йўлдош ота арабий ёзувдан хабари бор, тарихимиз, халқ отзакси ижоди, миллий урф-одатларимизни яхши биладиган, Нурота атрофида машҳур шахси эди.

Мавлон Жўрақулов 1951 йилда мактабни тугатиши билан меҳнат фаолиятини ўқитувчилардан бошлаган. 1955 йилда ҳарбий хизматдан қайтган, Самарқанд давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кириб, умри бўйи ана шу даргоҳга меҳр қўйди. 1956–1960 йилларда тарих факультети ёшлар ташкилоти котиби ва уни-

верситет талабалар касаба уюшма кўмитаси раиси ўринбосари бўлди. 1960 йилда умумий ва янги тарих кафедрасининг ассистенти, 1960–1963 йиллар оралигида аспирантурада тахсил олди. 1966 йилда «Ўрта Осиё тош даврини ўрганиш» мавзусида номзодлик диссертациясини ёклади.

Шундан сўнра Афросиёб шаҳарчасини тарихий-археологик жиҳатдан ўрганиш муаммоларини лабораториясининг раҳбари бўлиб, узоқ йиллар археология кафедрасини бошқарди, тарих факультети декани лавозимида меҳнат қилди. 1982 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвонига сазовор бўлди. 1985 йилда археология фани соҳасида профессор илмий унвонини олди.

Авал ўқув ишлари бўйича проректор, 1987–1992 йилларда эса ректор лавозимларида фаолият кўрсатди. Бу даврда университетда кўплаб янги кафедралар, лабораториялар, бўлимлар иш бошлади. Уларни жиҳозлашга алоҳида уруғ берилди. Университетнинг хориж олий ўқув юртлири, илмий марказлари билан шартнома асосидаги алоқалари кенгайди. Тадқиқотчилар учун диссертациялар ҳимоя қилиш бўйича турли йўналишларда Ихтисослашган илмий кенгашлар ташкил қилинди. Ислохотлар на-

тижасида 1992 йилга келиб университет илмий салоҳияти 70 фозга кўтарилди. Фан докторлари ва профессорлар сони икки бараварга ортди.

Олим минтақадаги олий ўқув юртлири ректорлари кенгашининг раиси, Олий суд маслаҳатчиси, Республика Улуғбек фонди кенгаши раёсатининг аъзоси вазифаларида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатди.

Қайсики лавозимда ишламасин, ҳаммиса халқига, ватанига фидойилиги ва муҳаббатини кўрсатган тарихчи олим 60-йиллардан бошлаб Оҳалик, Сазагон, Зирабулоқ, Қўтирбулоқ, Чашма, Олмабулоқ, Қорақамар, Самарқанд сингари манзилгоҳларда археологик изланишлар олиб бориб, ўта муҳим натижаларга эришди. Унинг бевоcита раҳбарлигида 1967–1971 йилларда қадимий Самарқанд – Афросиёбни ўрганиш бўйича ташкил қилинган муаммовий лаборатория ва экспедиция олиб борган изланишлар ўрта Осиё археология фанининг ривожига муҳим ҳисса қўшди. Экспедиция IX–XI асрлар тарихи, фани ва маданиятига, қурилиш ва меъморчилик, шаҳаршунослик, коммуникация, хунармандчилик, кулолчиликка оид катта илмий аҳамиятга молик бўлган ашёвий далиллар тўплади. Мана шу лаборатория кейинчалик СамДўдаги археология кафедрасининг очилишига асос бўлди.

Профессор Мавлон Жўрақулов ўз меҳнат фаолиятининг барча босқичларида ташкилотчилик, жамоатчилик, раҳбарлик ишларини илмий-тектириш ишлари билан боғлиқ ҳолда олиб борди. 600 тадан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп асарларидан 14 таси монография, 24 таси дарслик ва ўқув қўлланмалардир. Ушбу китоблар то ҳануз республикамизда археология фанини ўқитиш жараёнида хизмат қилиб келмоқда.

Олим 1992 йилда «Зарафшон ҳавзасида тош асри маданияти» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ушбу фундаментал тадқиқотда олимнинг узоқ йиллар давомида олиб борган илмий изланишлари ва синчков кузатишлари умумлаштирилган. Халқи-



мизнинг жаҳон маданияти хазинасига қўшган бебаҳо улуши ноёб ва нодир далиллар асосида қўрсатиб берилган.

Фаолияти давомида моҳир кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди, фан докторлари ва номзодлари етиштирди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси ва бошқа қатор унвонлар соҳибига айланди.

Кўп йиллик илмий тадқиқот туфайли тўпланган бебаҳо бой моддий-маданий манбалардан илмий маърифий ишларда кенг фойдаланиш мақсадида университет хазинасида археология музейи ташкил қилинган. Унда 40 минг нусхадан кўпроқ ноёб топилмалар сақланади ва деворий кўргазмалар орқали намойиш этилади.

Мавлон Жўрақулов университетга раҳбарлик қилган йилларида янги ўқув бинолари, богу-роғлар ташкил қилиниб, маскан обод таълим марказига айланди. Унинг илмий-маърифий мактаби эса шогирдлари томонидан муносиб давом эттирилмоқда.

Илхом САИДОВ, Самарқанд давлат университети профессори, тарих фанлари доктори
Сунатullo Мухитдинов, Самарқанд давлат университети доценти



Шахмат фидойиси ҳазрат Навоий даврида шатранж мажлислари бўлганини, маърифатпарваримиз Абдурауф Фитрат ўтган асрнинг 30-йилларида зиёлилар ўртасида «Шахмат гапи» ташкил этганини мароқ билан сўзларди. Ўзи ҳам сеvimли шоиримиз Эркин Воҳидов билан биргаликда 1984 йили Тошкентда «Шахмат гапи» ташкил этганди. Бу шахмат мажлисида улар билан бирга Озод Шарафиддинов, Раҳматилла Иноғомов, Улуғбек Элбеков (шоир Элбекнинг ўғли, унга шахмат ўйнашни Фитрат ўргатган), Мақсуд Юнусов (машҳур бастакор ва ҳофиз Юнус Ражабийнинг ўғли) сингари машҳур адабиётшунослар ва зиёлиларимиз қатнашарди.

Мамажон ака қаерда ишламасин, фикру зикри шахматда бўлди. Бироқ, у тинч-фаровон ҳаёт кечирди, шахмат тарихимизга зарҳал ҳарфлар билан ёзилган муваффақиятларига осонлик билан эришди, дея олмаймиз. Ҳамма шахматчиларга ёрдам қўлини узатадиган Мамажон ака узоқ йиллар жўжабирдай оиласи билан катакакдек икки хонали уйда яшади. Янги уйга ордер берилишини кўп кутди. Шахмат билан боғлиқ оддий масалаларни ҳал этолмай, неча бор бюрократларнинг хонасидан кўнгли синиб чиқди. Ўттиз йиллик умр йўлдошидан айрилиб, тўшақка михланди, фарзанд доғида қуйиб, тилдан қолди, хиралашган кўзларини қайта-қайта операция қилдириди. Шундай оғир дамларда қадимий сехри ўйиндан куч олди, яна мамлакатимиз шахматини ривожлантириш учун оёққа турди.

Мамажон ака Ўзбекистоннинг шахмат мамлакатларидан бири сифатида халқаро миқёсда эътироф этилишини жуда-жуда истарди. Бунга эришиш учун шахмат тарғиботига эътиборини қаратди (унинг бошқа республикаларда чоп этилган газета-журналларда, энциклопедияларда ҳам кўплаб мақолалари эълон қилинган), оммавий ва нуфузли мусобақаларни уюштиришдан чарчамади. Тошкентда шахматга ихтисослашган спорт мактаби очилишига эришди, жаҳон чемпионлариغا мураббийлик қилган таниқли мутахассис Георгий Борисенкони республикамизга таклиф қилди, иқтидорли мураббийларимизнинг эмин-эркин ишлашлари учун шароит яратишга уринди. Сеvimли шогирди Георгий Аъзамов 1984 йили халқаро гроссмейстер унвонига эришди. Натихада республикамизда шахмат оммалашди, кучли шахматчилар вояга етди. 1992 йили Ўзбекистон терма жамоаси Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида иккинчи ўринни эгаллади. Бу муваффақиятдан кейин Мамажон аканинг боши осмонга етганди десам, сира муболага эмас. Ушанда унинг умид билан «олимпиадада олтин медални олишганда, яхши бўларди», деганлари эсимда.

Дунёда ҳар бир эзгу ишининг эътирофи, мукофоти бор. 1997 йил Мамажон Мухитдинов «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

2001 йилнинг охирида унинг аҳволи оғирлашди. Шунга қарамай, 4 ноябрь куни 16 йилдан буён давом этиб келаятган «Шахмат гапи»га борди. Уша куну у шахмат ўйнамади, кадрдонла-

рига бир-бир тикилди, видолашди. Кейин уйига қайтиб, ётиб қолди, касал ҳолида ҳам шахматда ушалмаган орзулари ҳақида ўйлади. Албатта, Мамажон Мухитдиновнинг энг эзгу орзуси ўзбек фарзандининг шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлганини, Ўзбекистон миллий терма жамоасининг Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида ғолиб чиққанини кўриш эди. Шахматчиларимиз Осиё, жаҳон чемпионатларида, халқаро мусобақаларда муваффақият қозонаётганини кўрганда, бу орзуси яқин йилларда ушалишига қаттиқ ишонарди. Афсуски, унга Рустам Қосимжоновнинг жаҳон чемпиони (2004) бўлганини кўриш nasib этмади... У икки йил олдин – 2002 йил 8 февраль куни вафот этганди.

Мамажон ака 55 йил давомида юртимиз шахматини ривожлантиришга борини берди. Аммо ўзи узоқ йиллар хизмат қилган Ўзбекистон шахмат федерацияси Мамажон Мухитдиновни эслаяптими? Бу йил шахматимиз фидойиси туғилганга 95 йил, вафот этганига 20 йил бўлди. Унинг хотирасига бағишланган республика миқёсида бирор тадбир ўтказилдими? Тўғри, мухлисари Наманган ва Тошкентда ҳаваскорлар ўртасида шахмат мусобақалари ўтказиб туришади. Бироқ, Мамажон Мухитдинов хотирасига бағишланган халқаро гроссмейстерлик турнирини ташкил этиш вақти келмадими? Бу турнир унинг эзгу ишларини хотирлашга, муҳими, иқтидорли ёш шахматчиларимизнинг малакасини оширишга хизмат қилар эди. Ҳозирги кунда ёшларнинг шахматга қизиқиши ошиб бораётганини ҳисобга олиб, мутасаддилар унинг китобларини қайта нашр эттиришса, нур устига нур бўларди.

Ишончимиз комил, Мамажон ака салафларидан олган шахматга фидойиликни ҳозирги авлод зиммасига олади, шараф билан давом эттиради ва у орзу қилгандай Ўзбекистон миллий терма жамоаси Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида ғалаба қозонади!

Асрор МЎМИН, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Орамизда ўз умрини юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, жамият ривожига учун бағишлаган ва бағишлаётган фидойи инсонлар жуда кўп. Улар қақмоқдек ялт этиб қақнайди-ю, ён-атрофини нурга тўлдириб юборади.

Яхшимурод домладан қолган ЯХШИ НОМ

Яхшимурод Аҳмедов ҳам ана шундай табаррук инсонлардан бири. У бутун дунёни ларзага келтирган Иккинчи жаҳон уруши асoslари халқни аёвсиз қўйнаётган, одамлар илм эгаллаш, фарзандларига таълим беришдан кўра тирикчилик ғамида кўпроқ куймаланаётган даврда маориф соҳасига кириб келди ва бу жабада ўзидан ўчмас из қолдирди.

1923 йил Вобкентнинг Кўлхатиб қишлоғида таваллуд топган Яхшимурод Аҳмедов 1941 йил мактабни тугатгани ҳамонаоқ фронтга сафарбар қилинган. Десантчи-разведкачилар мактабида ўқиган, энг оғир ва ҳал қилувчи жангларда қатнашди. 1943 йили Смоленск остонасида душман билан бўлган тўқнашувда қаттиқ яраланиб, ҳарбий госпиталда узоқ муддат даволанди. Уша кезлар унинг аҳолидан беҳабар комиссариат уйига «қорахат» жўнатди. Аммо Яхшимурод ака яхши ниятларининг шарофати ўлароқ, саломатлигини тўлиқ тиклаб, яна жанг майдонига отланди. Хизматлари эвазига «Жасорат» медални, I даражали Улуғ Ватимий-маърифий мактаби эса шогирдлари томонидан муносиб давом эттирилмоқда.

Урушдан сўнра у Бухоро давлат педагогика институтида тахсил олишга азмуқарор қилди. Тарих-география йўналиши бўйича ўқитувчилар тайёрлаш курсида сиртдан ўқиб, мактабда ишлаш бошлади. Кўп ўтмай,

аввал Алишер Навоий, сўнгра Пушкин номидаги билим даргоҳларига директорлик қилди. 1961–1981 йилларда эса Вобкент тумани халқ таълими бўғлими мудири вазифасини бажарди.

Мен Яхшимурод акага у раҳбарлик қилган ўрта умумтаълим мактабида ўқиган кезларим меҳр қўйганман. Бу инсон ўта камтарин, ҳазил-мутойбага мойил, барчага бирдек ардоқли раҳбарга айланганди. Ўқитувчилар фаррошгача – ҳаммани бирдек кўрар, дардини тинглаб, муаммосига ечим топишга кўмаклашарди. Ўта одамхушлиги туфайли хонадонидан меҳмон аримасди. Республика раҳбарларидан тортиб, оддий қишлоқ деҳқонигача унинг хонадонида бўлиб, бир пиёла чой ичишдан тортинмасди.

Ташаббускорлик, касбига меҳр, масъулият ва меҳнатсеварлик Яхшимурод аканин кўпчиликда топилмайдиган энг гўзал инсоний фазилатлари ҳисобланарди. У мудирилик қилган йилларда туман халқ таълими бўғлими нафақа тилолгача, балки республика миқёсида ҳам ўз ўрнига эга бўлди. Устоз бу борадаги 20 йиллик фидокорона хизматлари учун «Хурмат белгиси» ордени, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони, «Халқ маорифи аълочи» кўкрак нишони билан мукофотланди.

Бугунги кунда Яхшимурод Аҳмедовнинг сингиллари,



фарзандлари ва неваралари ҳам таълим тизимининг турли бўғинларида меҳнат қилишмоқда. Жумладан, педагогика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган Баҳодир исми ўғли институтда ва университетда ўқитувчи, декан, ўқув бўлими бошлиғи, ўқув ишлари бўйича проректор лавозимларида самарали фаолият юроти. Ҳозир вилоят ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий марказида «Тилларни ўқитиш методикаси» кафедрасини бошқармоқда.

Бундан ташқари, Яхшимурод аканин невараларидан тўрт нафари турли йўналишлар бўйича фан доктори илмий унвонига сазовор бўлган. Оила аъзоларининг умумий педагогик иш фаолияти сарҳисоб қилинса, улар 350 йиллик давонни босиб ўтишгани ойдинлашади.

Халқимизда «Кишининг исми жисмига монанд бўлади», деган гап бор. Менинг назаримда, Яхшимурод домлаанин ҳаёт ҳаёти худди шу нақлга ҳамоҳангдек туялади. У маорифчилик соҳасида кашф этган ва ўзидан мерос қолдирган ажойиб аънаналари шогирдлари ва издошлари томонидан изчил давом эттирилмоқда.

Биз устозимизни Вобкент маорифининг отаси дея эътироф этамиз ва бундан ҳақли равишда фахрланамиз.

Шариф БОЛТАЕВ, меҳнат фахрийи, доцент

